

## **Темурий маликалар**

*Наманган вилоят тарихи*

*ва маданияти давлат музейи илмий ходими:*

**Г.Валиева**

Турон тупроғи қанча-қанча машғур доно, тадбиркор аёлларни дунёга келтирди. Улар давлат ишларида.ю салталатни бошқаришда ўз салоҳиятларини кўрсатганлар. Улардан айримларини келтириб ўтмоқчиман.

Сарой мулк хоним 1341-йилда туғилган. У Чигатой усулига мансуб муғул хонларидан Қозонхоннинг қизи эди. 1355-йилда Моваруннаҳр ҳукмдори Амир Қозоннинг набираси амир Ҳусайнга никоҳланган 1370-йилда Амир Темур жангда амир Ҳусайнни енгади ва уни қатл эттиради. Амир Ҳусайн ҳарамида маликалардан Сарой Мулк хоним, Баён сулдузнинг қизи Улус Оғо, Ҳиср Ясурийнинг қизи Ислом Оғо, Тоғой Туркон Хотунни танлаб идда муддати ўтгач, ўз никоҳига олади. Сарой Мулк хонимни никоҳлаб олгач, Амир Темур "Кўрагон" унвонига эга бўлади ва Сарой Мулк хоним, "Катта хоним", "Бибихоним" деган унвонга ноил бўлади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сарой Мулк хоним, замонасининг юксак идрокли, фаросатли тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси, ҳусн-латофат бобида ҳам беназир эди. Сарой Мулк хоним инсонпарвар, ватанинни севгувчи мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган.

Гулбадан бегим Захириддин Муҳаммад Бобурнинг Дилдор бегим номли хотинидан туғилган учинчи қизидир. Гулбадан бегим 1523 йили Қобулда туғилган. Онаси Дилдор бегимнинг ҳақиқий исми Солиҳа Султон бегим бўлиб, Бобирнинг амакиси Маҳмуд Мирзонинг қизи

эди. Гулбадан бегим Бобирнинг буйруғига асосан катта онаси яъни Ҳумоюннинг онаси Моҳим бегим қўлида тарбияланади. Моҳим бегим Бобурнинг энг севикли катта хотини, бошқа хотинлари орасида энг оқила ва энг доноси эди. Бобир вафотидан сўнг 1539-йилда Гулбадан бегимни Хизр Ҳўжахонга турмушга берадилар. У бир ўғил қўради. Исмини Саодатёр деб атайди. Гулбадан бегим ўз замонасининг оқила, донишманд, фаросатли аёлларидан эди. Гулбадан бегим “Ҳумоюннома” номли ажойиб ва муҳим тарихга эга асарни ёзишга киришади. “Ҳумоюннома” Бобур ва Ҳумоюн подшохниниг ҳаёт тарзи ва саргузаштларини мухтасар тарихи бўлиб, мантиқан “Бобурнома” асаридаги айрим воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари мукаммал очиб берилган. Гулбадан бегим ўз асарида сарой аҳлининг ҳаёт тарзи, Бобур хонодонинг нозик хусусиятлари, оиласвий шароитлари, тўй ва аза билан боғлиқ удумлар, уй-рўзгор асбоблари, кийим-кечак турлари ҳакида муфассал ҳикоя қиласди.

Гавҳаршод бегим 1379-йилда дунёга келган, уни 1379-йилда Шоҳруҳ мирзо ўз никоҳига олган Уларни уч нафар ўғли ва икки нафар қизи бўлган. Улар Улуғбек Мирзо (Муҳаммад Тарағай 1394-1449) Бойсунғор (1397-1433) Муҳаммад Жўки Мирзо (1401-1445) Тарихий манбаларниниг гувоҳлик беришича Гавҳаршод бегим юксак дидли, ақл-фаросатли, оқила, тадбиркор, сухандон, хусн бобида жуда беназир аёл бўлган. Табиатдан динга эътиқодли Шоҳруҳ Мирзо кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутолоаси билан ўтказган. Салтанат девон ишларини ўқтам ва тадбиркор хотини Гавҳаршод бегим бошқарган. Бу зийрак аёл қайнотаси Амир Темур вафотидан сўнг, аста-секин салтанат ишларини ўз қўлига олади. Вилоятларга хоким тайинлаш, қўшинларга саркарда белгилаш, хатто кимга қандай инъом ва кимга қандай жазо бериш масалалари ҳам маликанинг ион- ихтиёрида эди. Манбаалар маълумотларига кўра 1440-йили май ойида машҳур Хирот тарихчиси (кейинчалик сарой тарихчиси) Фасих Аҳмад ибн Жалолиддин

Муҳаммад Ҳавофий (1375-1442) малика Гавҳаршод бегимнинг ғазабига учраб, икки маротаба қисқа муддатли қамоққа хукм қилинади. Мовароуннаҳр пойтахти Хиротни маданий, сиёсий ижтимоий ривожида Гавҳаршод бегимнинг ҳиссаси жуда каттадир. Бу даврда Хиротнинг жуда кўп қурилиш ишлари барпо этилган. Масjid, мадраса, хонақоҳ. Шифохона, ровот, кўприк, мақбара ва даҳмалар ёдгорлик бўлиб қолди. Гавҳаршод бегим зукко, билимдон, ақлли бўлганлиги сабаб мамлакат ривожида маданий-маърифий ҳаётда жуда катта эътибор қаратган. Унинг фарзанд ва набиралари илм-фан муҳлислари бўлган. Хаттоқи ғазаллар битишган. Гавҳаршод бегим саксон ёшга кирганда ҳам Ҳурросон тахтидан воз кечмайди. Чевараси Султон Иброҳим мирзони (1440-1450й) хукмдор Султон Ҳусайн Абдусаид мирзога қарши исёнга ундейди. Бундан хабар топган Султон Абдусаид мирзо маликани чопиб ташлашга фармон беради. Фармонга мувофиқ 1457-йили Гавҳаршод бегим чопиб ўлдирилади ва ўзи қурдирган мадраса ёнидаги Бойсунғур даҳмасига дағн этилади. Зебинисо бегим Захириддин Муҳаммад Бобирнинг панневараси Абу Зафар Мухибиддин Муҳаммад Аврангез Оламгирининг қизи, унинг онаси Дилрасбону Шаҳнавознинг қизи бўлиб, Бобурнинг Гулбаданбегим исмли қизига бориб туташади. Зебинисо бегим 1639-йил февралда Дехлида дунёга келган. Унинг отаси Аврангез ёшлигидан диндорлиги билан ном чиқарган эди. Зебинисо бегим ўз замонасининг фозила, доно аёлларидан бири Ҳафиза Марям Бону қўлида савод чиқарган. Отаси Зебинисо бегимнинг шоирлик истеъдодини пайқаб, унга ўз даврининг етук олимларидан Мулло Муҳаммад Ашраф Исфаҳоний ва Мулла Жевони муаллим қилиб тайинлайди. Зебинисо бегим забардаст шоира, етук олима, уста танбур чертувчи созанда ва моҳир хаттот бўлиб етишади. У араб, форс тилларини, мантиқ, фалсафа, фикх, тарих фанларини пухта ўзлаштиради. У настаълик, насҳ ва шикаста хатларини зўр маҳорат билан битган. Куръонни бир неча марта хусниҳатда қўчирган. Ёдлаб

қироат билан ўқиган. Зебинисо бегим араб ва форс тиллари сарфу навҳини эгаллаб, шу тилларда ҳам ижод қилган .1927-йилларда чоп этилган “Қобул журналининг ўнинчи сонида Зебинисо бегимнинг чиройли бир девони бўлган. Бундан ташқари тасаввуф фалсафасига оид “Мунис ул-арвоҳ” асари ҳам бор. Зебинисо бегимнинг ҳаёт йўли афсонавий воқеаларга бой. Унинг насли ота тарафидан ҳам, она тарафидан ҳам Бобир подшохга бориб тақалади. Зебинисо бегим хусну латофатда ва малоҳатда тенгсиз, беназир, фазилатда бекиёс бўлсада, олтмиш уч йиллик умри давомида ўзига муносиб, ҳамдард ёр топа олмади. У 1702-йилда 63-ёшида Дехлида вафот этди. уни Дехлидаги Зарзароб қабристонига дағн этилди

Тарихчи Али Яздийнинг ёзишича Шодимулк хотун Самарқанд шаҳриниг қўйи табақасига мансуб ҳунарманд оиласида дунёга келади. Амир Темурни нг суюкли набираси Халил Султон мирзо Мироншоҳ мирзонинг ўғли (1366-1480) кунлардан бир қуни шаҳар четидаги боғ кўчадан отда ўтиб кетаётиб, Шодимулкка кўзи тушади, ва уни севиб қолади. Халил Султон мирзо (1384-1411) жасоратли, ҳарбий салоҳиятли истеъдодли йигит бўлган. Балоғат ёшига етгач , уни аслзода хонадон қизига ўйлантиришган. Ундан бир ўғли ҳам бор эди. Аммо Шодимулкни севиб қолгач, ўз замонасининг таомилига зид ўлароқ шу қизга ўйланади. Бундай тенгсиз никоҳга Амир Темур бошлиқ бутун авлод қарши бўлган .Бироқ Халил Султон мирzonинг қатъий қарори ғолиб келади. Амир Темур аввалида қаттиқ ғазабланган бўлсада ,кейинчалик набирасига бўлган юксак эътиқоди туфайли унинг гуноҳини кечиради. Амир Темур вафотидан сўнг 1405-йил март ойида Халил Султон мирзо Самарқанд тахтига ўтирган. У салтанатни бошқаришда адолатни бош мезон қилиб, мамлакат ички ва ташқи аҳволини яхшилаш чораларини излаган. Лекин унинг рафиқаси Шодимулк бегимнинг салтанат ишларига фаол аралашуви туфайли арқони давлат орасида айрим норозиликларнинг келиб чиқишига сабаб

бўлган. Шодимулк бегимнинг маслаҳати билан Амир Темурнинг барча бева хотинлари, канизакларини ҳарбий бошлиқлар ва амалдорларга инъом қилишга Халил Султон қўнган. Манбааларга кўра 1406-йил Туман оға бегимни амир Шайх Нуриддинга хотинликка беради. Ибн Арабшохнинг ёзишича Сароймулхоним билан Тугалхонимларни Шодимулк бегимнинг маҳфий буйруғи билан заҳарлаб ўлдирганлар. Шодимулк бегимнинг хазина ва салтанат ишлардаги номунофикс харакатлари мамлакатда, саройда норозилик пайдо қиласди. Бундан фойдаланиб Шохрух мирзо Самарқандни эгаллайди. Шодимулк бегимнинг қилган ишлари Шохрух мирзо томонидан азоб-уқубатлар, таҳқирлар билан жазоланади. Тахтдан воз кечгандан сўнг Шодимулк бегим Халил Султонга қайтарилади. 1411-йил 4-ноябрда Халил Султон бетоб бўлиб вафот этади. Айрим маълумотларга кўра у заҳарланиб вафот этади. Шундан сўнг 1411-йиллар охирида эридан кейин яшашни истамаган Шодимулк бегим заҳар ичиб оламдан ўтади.

### **АДАБИЁТЛАР**

- 1.Мозийдан садо илмий-амалий,маънавий-марифий журнал 4.(68).2015 йил сони.
- 2.San'ат журнал.2/2013 йил сони.
- 3.San'ат Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали 1/2018 йил №78
- 4.Тамаддун Тарихимизни ўрганамиз 6-сон 2023 й
- 5.Наманган садоси газета 3 сони апрель'.
- 6.Наманган вилояти меъморай обидалар сирлари. Наманган нашриёти I.YU. Юсупов. Э. Ю. Мирзалиев
- 7.Наманган вилояти зиёратгоҳлари.Наманган шаҳри 2015 й. Л. Ахмадалиева